# Qishloq Hayoti

2003 YIL 11 APREL, JUMA

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№49 (6.574). Sotuvda erkin narhda


## ИЖРОЧИЛИКДАН ФАОЛ БУНЁДКОРЛИК САРИ

***Ўтган йилда 2001 йил сингари пахта хом ашёси тайёрлаш шартномавий режасининг бажарилиши мамлакатимиз бўйича 75 фоиздан ортмади. Ўртача ҳосилдорлик гектарига 22,5 центнерга, жами ҳосил эса 3,2 миллион тоннага етди. Қорақалпоғистонда ўртача ҳосилдорлик гектарига 9,7 центнерни, Сирдарёда эса 11,6 центнерни ташкил этди, холос.***

Республикамиздаги 145 та тумандан 47 таси, 1646 та ширкат хўжалигидан 800 таси, 35691 фермер хўжалигидан 18281 таси шартномавий режани аранг уддалай олди. Ўз-ўзидан молиявий натижалар ҳам шунга яраша бўлиши шубҳасиз.

1999-2001 йиллардан бери ўтказиб келинаётган санация тадбирлари иқтисодий ночор хўжаликлар аҳволининг изчил яхшиланишига олиб келмаяпти.

Фармонда хўжалик юритишнинг турли шаклларини сақлаган ҳолда фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболда устувор йўналиш сифатида кўрсатилган. Фермер хўжаликлари ишлаб чиқарилган маҳсулотни тасарруф қилиш ва ерга бўлган эгалик ҳисси бўйича бошқа қишлоқ хўжалик корхоналаридан ажралиб туради, улар ташкилий-ҳуқуқий жиҳатидан кўпроқ хусусий корхонага яқин. Уларда манфаатдорлик кучлироқ бўлгани учун ҳам ишлаб чиқариш самарадорлиги бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига нисбатан юқори. Фермерларга турли шаклдаги кооперацияларга бирлашиш ҳуқуқининг берилиши уларнинг даромад олиш имкониятини янада кенгайтиради, ишлаб чиқаришни индустриал асосга қўйишга ёрдам беради.

Фармонда маҳсулот ишлаб чиқарувчилар эркинлигини таъминлашга катта эътибор берилган,

Шунинг учун ҳам Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил якунлари ҳамда 2003 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида Президентимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ислоҳ қилиш йўлида кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигига танқидий баҳо бердилар, кўпгина ҳолларда шакл ўзгариб моҳият, маъно-мазмун эса эскича қолаётганини таъкидладилар.

Буларнинг барчаси қишлоқ хўжалигида маҳсулот яратувчиларнинг турмуш даражаси пасайишига олиб келиб, пировардида бутун мамлакат ва миллий иқтисодиёт ривожига жиддий тўсиқ бўлмоқда.

Рақамларга мурожаат қилайлик: мамлакат аҳолисининг 60 фоиздан ортиқроғи қишлоқ жойларида яшайди. Жами меҳнат билан банд аҳолининг 40 фоиздан ортиғи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида, уларнинг ҳам 75 фоизи суғориладиган деҳқончиликда банд. Суғориладиган ерлар эса жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 90 фоизини беради. Яъни, меҳнаткаш халқимиз асосий қисмининг тақдири она ер саховати туфайли ундириладиган ризқ-рўз билан бевосита боғлиқ.

**МУНОСАБАТ**

Қолаверса, эндиликда салмоғи бирмунча камайган бўлса-да, мамлакат экспорт ҳажмининг чорак қисмидан кўпроғи пахта толасидан тушадиган тушумга тўғри келади. Республикадаги саноат корхоналарининг қарийб 90 фоизи қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан хомашё сифатида фойдаланади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланишига эришиш устувор масалалардан бири ҳисобланади. Уни таъминлаш эса мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада оширади ҳамда унинг халқаро жамиятдаги мавқеини кучайтиради.

Қишлоқ хўжалигида энг асосий маҳсулот пахта хомашёси бўлиб, у мамлакатимизда ҳар йили 1,4 миллион гектар майдонга экилади, лекин унинг ҳосилдорлиги ва самарадорлиги деярли ўзгармаяпти, айрим ҳолларда пасаймоқда. Шу боис 2000-2001 йилларда ширкат хўжаликларининг 41 миллиард сўмдан ортиқ зарарлари ҳукумат томонидан кечиб юборилди. Шунга қарамасдан, аксарият хўжаликларнинг иқтисодий аҳволи ижобий томонга ўзгармаяпти.

Маҳсулот таннархи ошишининг барқарор тус олишига ва рентабелликка салбий таъсир қилувчи омиллардан бири рақобатлашмаган бозор муҳити ҳисобланади.

Хўжаликлар агротехник тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган уруғлик, ёқилғи-мойлаш материаллари, маъданли ўғитлар хариди ва техник хизмат бажариш учун монополистик бозорга мурожаат қиладилар. Бу бозордаги нарх-наво индекси етиштирилаётган хомашё нархидан бирмунча баланд даражада ўсиб бормоқда. Чунки, монопол бозор учун бу табиий ҳол ҳисобланади.

Айни пайтда етиштирилган ҳосилнинг битта харидорга сотилиши монопол бозорни юзага келтиради. Ушбу ҳолат бозор муносабатларининг бузилишига олиб келади.

Шунинг учун ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармони муҳим ўрин тутади.

Фармоннинг моҳияти деҳқонлар манфаати устуворлигини таъминлашдаги ижобий натижаларни кенгроқ ва тезроқ ҳаётга татбиқ этиш, йўл қўйилган нуқсонлар ва камчиликларга эса барҳам бериш, ишлаб чиқарувчилар эркинлигини таъминлашдан иборат.

уларнинг мустақиллигини ҳуқуқий мустаҳкамлаш ва муҳофазасини такомиллаштириш ҳамда бошқарувнинг бозор муносабатларига мос бўлган ташкилий тузилмаларини барпо этиш ҳам кўзда тутилган. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тақсимотчилик вазифасидан озод қилиниб, унга ривожланган давлатларда бўлгани каби янги вазифаларнинг белгиланиши қишлоқ хўжалигини бошқаришни ислоҳ қилишдаги янги бир қадам, деб қараш мумкин. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг фан ва техника ютуқларига асосланган замонавий агротехника, агротехнологияларни ишлаб чиқиб, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тармоқларини ислоҳ қилиш ва истиқболда уларни ривожлантириш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг бозор шароитидаги механизмларни ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ қилиш билан боғлиқ янги вазифаларни бажариши бир томондан, вазирликнинг деҳқонлар ишига маъмурий аралашувига барҳам беришга олиб келса, иккинчи томондан, қишлоқ хўжалигини истиқболда илмий асосланган йўналишлар бўйича самарали ривожланишини таъминлайди.

Фармонда шартномавий муносабатларни янги босқичга кўтариш бўйича кўрсатмалар берилган. Тегишли вазирликларга асосий қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчининг тайёрлов, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан ишлаб чиқариш муносабатларида устувор мавқеини акс эттирувчи янги намунавий шартномаларни ишлаб чиқиш вазифаси топширилган. Шартнома муносабатларини амалийлигини таъминлаш мақсадида тегишли ташкилотларга хўжалик субъектларини ишончли ҳимоя этилишини таъминлайдиган ҳуқуқий институтлар тизимини барпо этиш бўйича тавсиялар тайёрлаш юклатилган. Ушбу институтларнинг ташкил қилиниши ишлаб чиқарувчиларнинг шартнома асосида ишлашга бўлган ишончини кучайтиради. Шартномада томонларнинг ҳуқуқи ва ўзаро мажбуриятларининг аниқ белгиланиши, мажбуриятларнинг ижроси учун томонларнинг жавобгарлигининг аниқ кўрсатилиши, мажбуриятларни бажариш муддатларининг аниқ қўйилиши томонларни шартнома тузишга катта масъулият билан ёндашишга ундайди. Шартномада ишлаб чиқарувчилар мавқеининг устуворлиги тайёрлов, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш ташкилотларининг уларга нисбатан бўладиган монополистик муносабатларини маълум маънода чеклайди.

Фармонда ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг бир қатор йўналишлари кўрсатиб ўтилганки, улар қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини тўлиқ шакллантиришга, унинг самарадорлигини оширишга, ишлаб чиқарувчиларни эркин фаолият кўрсатишига, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий асосга қўйишга имкон беради.

Фармон деҳқонларни оддий ижрочиликдан фаол бунёдкорлик сари чорлайди. Фармоннинг ижроси нафақат қишлоқ хўжалиги тизимининг, балки қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан хомашё сифатида фойдаланувчи саноат тармоқларининг ҳам ривожланишини таъминлайди.


**Ш.ХОЛМЎМИНОВ,**
**Б.САЛИМОВ,**
**Тошкент давлат Иқтисодиёт университети профессорлари.**
**Н.ЎРМОНОВ,**
**доцент.**


## ЎЗБЕКИСТОН-УКРАИНА:
# ПРЕЗИДЕНТЛАР МУЛОҚОТИ



***10 апрел куни Украина Президенти Леонид Кучма амалий ташриф билан Тошкентга келди.***

«Дўрмон» қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Украина раҳбарининг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Президентлар Ўзбекистон-Украина муносабатларига доир масалалар, халқаро миқёсдаги муаммолар юзасидан фикр алмашди.

Мамлакатларимиз ўртасида турли даражадаги мулоқотлар мунтазам равишда ташкил этиб келинади. Президентларнинг суҳбати давомида илгари эришилган келишувларни ҳаётга жорий қилишнинг бориши, ўзаро муносабатларга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ислом Каримов ва Леонид Кучма Ироқда кечаётган воқеалар, Афғонистондаги тикланиш жараёни, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга оид масалаларини муҳокама қилиб, бу борада икки ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигини таъкидлади. Айниқса, Афғонистондаги тикланиш ишларида йўлсозлик, кўприксозлик, транспорт каби кўплаб соҳалар вакиллари самарали ҳамкорлик қилиши мумкин.

Халқаро аҳамиятга молик қатор масалаларда Ўзбекистон ва Украина раҳбарларининг қарашлари бир-бирига ҳамоҳанг. Бу сафар Леонид Кучма мамлакатимизга Украина Президенти ва МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг раиси сифатида келган. Ўзбекистон ва Украина ушбу тузилмани ислоҳ этиш ва ривожлантиришнинг таклиф ва ташаббуслари борасида ҳам доим бир-бирини қўллаб-қувватлаб келган. Президентлар суҳбат давомида Ҳамдўстлик доирасидаги интеграция жараёнларини жадаллаштириш, хусусан, аъзо мамлакатлар ўртасида кўп томонлама савдо-иқтисодий муносабатларни кенг ривожлантириш учун Эркин савдо зонаси тўғрисидаги шартномани кучга киритиш масалаларини муҳокама этди.

Шунингдек, «Дўрмон»даги музокаралар чоғида халқаро терроризм ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашда ҳамкорлик масалаларига эътибор қаратилди. Тегишли идоралар ўртасида бу борада ахборот алмашувини янада яхшилаш, уларнинг ҳамжиҳатлигини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон-Украина ҳамкорлигида транспорт коммуникациялари алоҳида ўрин тутади. Масалан, мамлакатимиз ўз товарларини хорижий мамлакатларга Украина портлари орқали юборишдан манфаатдор. Леонид Кучманинг ўтган галги Тошкентга ташрифи чоғида бу масала кўтарилган ва мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилган эди. Шунинг натижасида бу борада ижобий ўзгаришлар кўпаймоқда. Суҳбат давомида бундай сйлжишларни ҳар томонлама рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаб боришга келишиб олинди.

Учрашув якунида бундай икки томонлама мулоқотлар ҳамкорликнинг нафақат жорий босқичини таҳлил этиш, балки унинг истиқболдаги вазифаларини белгилаб олиш, муносабатларни кўп томонлама асосда янада ривожлантириш йўлидаги муҳим қадамлар бўлаётгани таъкидланди. Президент Ислом Каримовнинг Украина раҳбари билан бу галги учрашуви эса, анъанавий дўстлик, ўзаро манфаатдорлик, ишонч, ҳурмат ва тенглик асосида равнақ топиб бораётган алоқаларимизга янги суръат бахш этишига ишонч билдирилди.

**(ЎзА)**

***

**СУРАТДА: учрашув пайтидан лавҳа.**

**Балиқчи туманидаги «Шераличек» ширкат хўжалиги ижарачилари Хайрихон Нозимова ва Муножатхон Сатторовалар бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириш ниятида. Шу боис улар далага чигитни плёнка остига экишди. Кўриб турганингиздек, ниҳоллар униб чиқди ҳам.**

**СУРАТДА: ижарачилар Хайрихон Нозимова ва Муножатхон Сатторовалар ғўза ниҳоллари ривожидан мамнун.**

Х.АРАББОЕВ олган сурат.



### КУНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

**● Вазирлар Маҳкамаси Қурилиш, қурилиш материаллари саноати, уй-жой коммунал хўжалиги ва транспорт мажмуининг 2003 йил биринчи чорак якунлари бўйича ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуининг йиғилиши бўлди.**

**● Вазирлар Маҳкамасининг Алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари масалалари мажмуининг мажлиси бўлиб ўтди.**

**● Республика таълим марказида Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўқувчилар техник ижодиёт маркази Ўзтелерадиокомпания билан ҳамкорликда ташкил этган «Сеҳрли ёғду» республика ёш кино-фото ҳаваскорлари фестивалининг якуний босқичи бўлиб ўтди.**

**● Ўзбекистон Банклар ассоциациясида республикамиз Марказий банки ва Германиянинг «Гезельшафт Берлин АГ» банкининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан биргаликда ташкил этилган экспортни суғурталаш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

**● Журналистларнинг Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган навбатдаги ўқув семинари банк тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, миллий валютанинг қадрини ошириш ва валюта бозорини эркинлаштириш масалаларига бағишланди.**

**● Қорақалпоғистон Бизнес инкубатори ва Осиё тараққиёт банки ўртасида кичик корхоналарни ривожлантириш орқали иш ўринларини яратишга қаратилган лойиҳани амалга ошириш юзасидан ўзаро шартнома имзоланди.**

**● Бухорода ана шу мавзуда вилоятдаги барча шаҳар, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг уч кунлик ўқув-семинари бўлиб ўтди.**

**● Навоий шаҳрида таниқли хонанда Ҳабиба Охунова хотирасига бағишланган «Алла» ижрочилари кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Унда юзга яқин санъаткор иштирок этди.**

## МИНИ-БАНК: ЭЛЛИК ЕТТИ МИЛЛИОН КРЕДИТ

***Республика ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат "Ғаллабанк"нинг Қорақалпоғистон минтақавий филиали ходимлари кичик ва ўрта бизнес вакилларини қўллаб-қувватлашга катта эътибор беришмоқда.***

-Банк ходимларининг аниқ ва тез ишлаши менга жудаям маъқул бўлди, - дейди Хўжайли туманида жойлашган "Ниятулла" ишлаб чиқариш фирмасининг раҳбари. – Йил бошида янги тегирмон сотиб олиш учун зарур миқдорда кредит сўраб банкка келган эдим. Барака топгурлар, бизнес режамни, фойда олиш имкониятимни билишгач, пайсалга солмасдан маблағ ажратишди. Ҳозирда аҳолининг буғдойини тегирмонда ун қилиб беряпман. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда йиллик фойдам ҳам чакки бўлмаса керак. Агар банк кўмаги бўлмаганда бундай ишга қўл уриб бўлармиди?

**ХИЗМАТ**

-"Ғаллабанк"нинг Қорақалпоғистон минтақавий филиали мижозлар ишончини тўлиқ қозонган молия муассасаларидан бири, десам асло янглишмаган бўламан, - дейди Амударё тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Ражаббой Йўлдошев. – Ҳозирда туманимизда ушбу банкнинг мини-банки ишлаб турибди. Мақсад банк хизматидан янада яхшироқ ҳамда кўпроқ фойдаланишдир. Шу сабаб туманимиздаги кўплаб корхона ҳамда фермерлар ушбу банкнинг мижозлари ҳисобланишади. Қисқа фурсатда уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиб, молиявий томондан ўз қаддиларини тиклаб олишди.

Бундай илиқ фикрларни банк билан ҳамкорликка киришган ҳар бир мижоздан эшитиш мумкин. Бунга банк ходимларининг мижозлар учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб бераётганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Чунки мижоз бу ерга келиб қонунчиликдаги ўзгаришлар билан танишиши, молия тизимида юз бераётган янгиликлардан хабардор бўлиши, ўзини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олиши мумкин.

(Давоми 3-бетда)

**ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР**

## ТУНГИ ШАРПАЛАР

***Ҳаётда турли-туман, яхши-ёмон кимсалар бор. Яхши инсон еган бир луқмасини ҳам меҳнат қилиб, ҳалол покиза қилиб ейишни ният қилса, тубан кимса ҳаром ва ҳалолнинг фарқига бормай, ўзгалар насибасини ҳам ейишдан ҳазар қилмайдилар.***

Қанча меҳнат ва не машаққатлар билан ўзгаларнинг топган мулкини бундай тубан инсонлар қадрига ҳам етмайдилар. Ёвуз ниятлари фақат ўз нафсларини қондиришга хизмат қилади.

Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги Хитойтепа қишлоғидаги Қурбонали Салимбоев хонадонига ёз кунларидан бирида бир гуруҳ кимсалар тўпланадилар. Улар бу хонадонга зерикиб қолмаслик учун гапгаштак қилиш ёки бир-бирининг ҳол-аҳволидан хабар олиб, суҳбатлашиш учун эмас, балки анчадан буён кўнгилларига тугиб келаётган қабиҳ бир ниятни амалга оширишнинг "сценарийси"ни тайёрлаш учун тўпландилар. Қалби сўқир, виждонини кир босган бу бандаларнинг ниятлари қора эди. Улар ўз ҳамқишлоқларининг, юртдошларининг мол-мулкини ўғирлашга жазм қилдилар.

Қурбонали Салимбоев олдин ҳам жиноятга қўл уриб, судланиб, жазосини ўтаб чиққан. Лекин қилган қилмишидан хулоса чиқармаган экан. Бўлмаса уйини ўғрилар қароргоҳига айлантирмаган бўларди. Унинг ҳамтовоқлари Музаффар Мамаюсупов, Ўткир Аҳмедов, Диёриддин Салимбоев, Дилмурод Зулпиев ва Тоҳиржон Салимбоевлар тоғни урса, талқон қиладиган ёш йигитлар.

(Давоми 2-бетда)

## ИНСОННИНГ МУНИС УЛФАТИ

***Китобнинг инсоният ҳаётидаги ўрнини бошқа ҳеч нарса боса олмайди. У бўлмаганда, Қуръони карим, ҳадиси шарифлар, диний-ахлоқий соҳада ёзилган юзлаб нодир асарлар бизгача етиб келмаган бўларди. Аниқ, дунёвий фанлар соҳасида жаҳонга донг таратган буюк алломалар асарларидан бутунлай бебаҳра бўлган бўлардик. Китоб бўлмаганда бой ўтмиш маданиятимиз, тарихимиз, адабиётимиз дурдоналари тамоман унутилиб кетган бўларди. Умуман, илм-фан тараққиёти ҳақида ҳеч қандай гап-сўз бўлиши мумкин эмасди.***

Китоб барчага, ҳукмдорлардан тортиб, энг паст табақа вакилларигача баробар хизмат қилади: кишиларнинг дини, миллати, ирқи, катта-кичиклиги, мансаби, бой-камбағаллигидан қатъий назар, уларнинг ҳамма истак хоҳишлари, турмуш тарзи, таълим-тарбияси, хуллас бутун борлиқ ҳаётини китоб бошқаради, йўлга солади. У ҳамма учун маънавий руҳий озуқа. Ахир инсонни ҳайвондан ажратиб турадиган ақл-идрок, фаҳм-фаросат, зеҳн-заковат, буткул маънавий ҳаётимиз китоб туфайли эмасми?

**МУЛОҲАЗА**

Китоб туфайли дунё халқлари яратган оғзаки ижоднинг нодир намуналари бир қанча тилларда бизгача етиб келди. Космосга йўл очган, ойга инсон қадамининг етишига сабаб бўлган, атом энергиясини яратган ҳам китоб эмасми? Шатранждан жаҳон чемпиони даражасига кўтарилган машҳур шахматчилар китоб туфайли улкан муваффақиятларни қўлга киритмадиларми?

Матбаачилик, босмахоналар ихтиро этилгунга қадар китоб кўчириш билан махсус хаттотлар, котиблар шуғулланганлар, бу уларнинг касби кори бўлган. Китоблар қўлёзма шаклида тарқалган, уларнинг нусхаси ниҳоятда кам бўлган.

(Давоми 4-бетда)

**ЭҲТИРОМ**

## МАНГУЛИК ТИМСОЛИ

***Уруш йилларида туғилган авлод қўлига биринчи китоб олиб ёдлай бошлаган пайти, яъни йигирманчи асрнинг қоқ ўртасида Ғафур Ғулом ўзбекнинг оташнафас шоири, қамрови уфқлардай кенг алломаси сифатида уруш йилларидаги наъраси билан дунё минбарини эгаллаган.***

Дунёнинг истаган бурчагидаги "Манаман" деган буюк шоирлари билан "беллашувга ярайди"ган пайти бўлган эди. Биз ҳали бу гапларга ақлимиз етмас, "Тонготар қўшиғи" китобига кирган шеърлару "Кўкан" достонини билардик, холос.

Даврнинг долзарб масалалари, фаслларнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларига юртнинг жонкуяр оқсоқоли сифатида муносабат билдириб радиода (у пайтлар телевизор йўқ эди) чиқишлари, газеталарда мунтазам ёритилиб турадиган асарлари билан одамлар юрагига шундай чуқур сингиб кетган эдики, Наманганга шоир келибди, деб эшитган одам:

-Ғафур Ғулом келибдими? – деб сўрарди.

У кишининг келиши эса катта шов-шув бўлар, катталар davраларида "Ғафур Ғулом ундоқ дебдилар, Ғафур ака бундоқ, дебдилар, Ғафур Ғулом боққа кирган эканлар кўриб қолдим, Ғафур ака "Бешчинор" чойхонасида ҳаммани кулдириб турган эканлар" деган гап-сўзларни эшитардик.

(Давоми 4-бетда)


**КЕЛГУСИ СОНДА:**

ЧЎЛДАН ТОПИЛГАН БАХТ

ҚАРИ БИЛГАННИ ПАРИ БИЛМАС

АДАБИЁТДА ДАВР РУҲИ




## “СИЗГА ТЎН КИЙДИРАМАН”

***Тегажоғлиги ва ҳазиллари сабаб ҳамиша қоровул Қурбонали акадан панд еб юрадиган бўлим мудири бир куни унга “осилди”:***

-Пул санашасизми?

Бу сафар гел қилишига Ўринбоев сира шубҳаланмасди: кечкурун ўғли билан келини маошларини беришган, ўзи ҳам таътилга чиқиб, катта пул олди.

-Шартингизни айтинг, - бепарво оҳангда деди қоровул.

-Ютқизган пулдан айрилади, тамом-вассалом.

-Розиман, - қўл ташлади Қурбонали ака яна ҳам бепарволик билан. – Қани, аввал сиз сананг бўлмаса.

У столга лунгисини ёйди. Ўринбоевнинг пули анчагина экан, ҳисоб 150 мингта етганда ҳангоматалаблар сони ҳам йигирмадан ошганди.

-Айниш йўғ-а, Ўринбоев, - тирғилди қоровул.

-Гап битта! – ўқрайди мудир.

Ўринбоевнинг пули сал кам икки юз минг чиқди. Уни тугиб, “ҳакамлик”ни зиммасига олган бошқа бўлим мудирига тутқаздилар.

“Майдондорлик” гали келган Қурбонали ака чопонининг қўйнидан “500” ва “1000” сўмлик пул боғламларини чиқариб, стол устига уюб бўлгач деди:

-Кеча насияга буқа сотувдим, ҳозиргина ташлаб кетди. Санаб кўринглар, нақд 450 минг...

Ўринбоевнинг юраги шувиллади, ранги ўчиб, лаби титрай бошлади.

-Лафз-чи, лафз? – кимдир луқма солди. Текин томоша устидаги эллик чоғли оломон гувиллади, баҳс бошланди, ҳакамнинг боши қотди. Шунда кутилмаган ҳол рўй берди: Ўринбоев бир юлқиниб, ҳакам қўлидаги тугунга чангал солди-да, лўкиллаганча қочиб қолди. Ҳамма қийқириб кулди, кимдир қувгандай ҳам бўлди. “Қочоқ” сал нарида тўхтаб тилга кирди:

-Ҳой мусулмонлар, тўй бошлаганман, ахир.

-Уят сизга, Ўринбоев, - таҳдид қилди қоровул ғолибларга хос ўктамлик билан. – Ҳеч бўлмаса сарпо...

-Албатта, ака, - илжайди Ўринбоев. – Тўйда сизга тўн кийдираман...

## ДОМЛА “МУМ ТИШЛАДИ”

***Етмиш ёшигача ичкиликни косаси билан сипқорган Соқи тажангта худонинг ўзи инсоф берди шекилли, канда қилмай маҳалла масжидига қатнай бошлади. Қуйма қулоқ эдики, сал кунда билмаганини билиб, тили келиб қолди. Илгарилари уни маст-аласт кўриб, у-бу дегани юраги бетламай юрган имом домла аламини олмоқчи бўлди. Бир куни собиқ пиёнистани ёнига имлаб, кўпчилик олдида танбеҳ берди:***

-Намозни у ёқ-бу ёққа алангламай ўқинг, хўпми?

“Мастлик - ростлик” даврида бетга чопарликни, “тўғри сўзлик”ни “касб қилган” Соқи тажангнинг “эски одати” хуруж қилди.

-Нега мени изза қиласиз? Тағин маъруза ўқийсизми, иззайи мўмин ҳаром деб.

Ўз сўзи ўзига қайтган имом қизарди. Бенамоз бўлиб қаторга кириб қолган кекса безорига бўш келмади:

-Азбаройи иззангизгамас, фойдангизга. Кечагина пешонангиз сажда кўрган одам, бир оғиз “хўп” деб...

-Хўп демайман, - чўрт кесди Соқи тажанг. – Чунки сиз илмига амал қилмайдиган муллласиз.

-Наузанбиллоҳ! Бу қанақа гап? Нега туҳмат қиласиз? Ахир...

Соқи тажанг гал бермай “ҳужум”га ўтди:

-Сиз мендан, ҳаммадан олдинда бўласиз-а?

-Ие, ахир... – чайналди имом домла.

-Қани, айтинг-чи, ўзингиз олдинда бўла туриб, орқадагиларнинг алангглаганини қандай кўрасиз?

-...

-Ана, индай олмайсиз. Демак, аввало ўзингиз тўрт тарафга алангглаб турасиз.

Кимдир “пиқ” этиб кулди. Изза тортаётган имомнинг тарафида “жанг”га киришга шайланган уч-тўрт кишининг эса дами чиқмай қолди. “Астағфируллоҳ” деганча қўл силтаган домла почча “мум тишлаш”дан бўлак чора топмади.

**Рустамжон УММАТОВ**

## “ТУЁҒИНИ КЎРДИМ...”

***Ёрмат бува серфарзанд киши. Етти ўғил, бир қизи бор. Ўғилларининг ҳаммаси ўқиган, шаҳар кўрган йигитлар. Аммо, қизи мактабни битирганидан кейин институтда ўқишига рухсат бермади.***

-Йигитларнинг йўли бошқа... – деди у хотини Офият опага. – Қиз бола эса бировнинг хасми. Эрта бир кун тенги чиқиб, турмушга берсак, ўқишини тугатадими-йўқми, худога маълум... Кейин... ҳам кенжанг, ҳам ёлғизинг... Қўй, онаси, ҳали бу кетгандан кейин мениям хит қиворасан, “қизимни соғиндим, ўқишига оборинг”, деб...

Ёрмат бува шундай дегани билан, кўнглининг бир четида қизини ҳам олий маълумотли қилиш истаги “учқунлаб” турарди. Шу боис, уни “эритиш” унчалик қийин бўлмади. Бува Нигорага оқ фотиҳа бериб, катта ўғли ҳамроҳлигида шаҳарга кузатиб қўйди.

Тез орада Нигора институт талабаси бўлди. Ўқиш бошланди-ю, уни шаҳарга ташлаб келишди. Она бечоранинг юраги хижил. “Қиз бола шаҳарда қийналиб қолмасмикин?.. Пули тугаса пул бериб юборадиган танишимизам йўқ... Қорни тўйиб овқат еяптимикин? Хонадошлари, курсдошлари билан тил топишолдимикин?!.”

Шунақа ўйлар билан у Ёрмат бувани ҳоли-жонига қўймайдиган бўлди. “Ота бўлиб қизингиздан хабар олсангиз-чи, бечоранинг ўртоқлари олдида кўнгли ўксимасин...” дерди у кўзи намланиб. Ёрмат бува бир индамади, икки индамади, охири “ёрилди”.

-Кўрдингми, онаси, сени огоҳлантирувдим, а... – деди у носини тупуриб, чой билан оғзини чайқаркан. – Эртага нон ёпиб қўй... Пешинда йўлга чиқаман.

...Ёрмат бува кўнгли алланечук бўлиб қизи турадиган ётоқхонага яқинлашаркан, ҳозир эркатойини кўриши, соғинч аламлари босилишини ўйлаб, ўз-ўзидан жилмайиб қўярди.

Навбатчи йигитлар Нигорани хонасидан чақириб беришди. Ёрмат бува ўрис қоровул аёл билан “твая-мая” деб “тиллашиб” тураркан, қизининг “Дадажон...” деган ҳаяжонли овозини эшитиб, ортига ўгирилди. Не кўз билан кўрсинки...

Қишлоқдан кетаётганида бошига рўмол танғиб, қошига ўсма қўйиб, кўйлак-лозимда уйдан чиққан “эркатой”и сочини қирқтирибди... Қоши терилган, қора жинси шим билан товони баланд туфличада. Лаблари қип-қизил, худди помидорга ўхшайди, махсус ўстирилган узун-узун тирноқлари эса кўм-кўк... Умуман олганда, Ёрмат отанинг олдига қишлоқдаги Нигора эмас, бошқа, умуман нотаниш қиз жилмайганча қучоқ очиб келаётгандек эди гўё...

Икки кундан кейин Ёрмат бува қишлоққа қайтди. Билганларнинг айтишича, Офият опанинг “Қизингиз яхши эканми, топа олдингизми ўзи?” деган саволига:

-Қизингни-ку кўролмадим-а, лекин эшак туёқли тасқарани кўрдим... - дея жавоб берганмиш.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ**

# БЎЛАДИГАН ЭЛ...

(Боши ўтган сонда)

Русияда таҳсил олиб юрган йилларимда домлаларимиздан бири рус халқи қадимда бундай сўконғич бўлган эмас, бизга сўкишни мўғул босқинчилари олиб келишган, деб айтган эди. Шунда мен “Ахир, ёнверимиздагилар бир-бирларини мўғул тилида эмас, рус тилида ҳақорат қиладилар-ку” деб эътироз билдирдим. Домламиз бунга жавобан айтдиларки, “Фақат меҳр эмас, ғазаб ҳам одамни кўп нарсаларга, жумладан, ҳақоратларни таржима қилишгаям ўргатади”.

Бизлар ҳам бир-бирларимизни ўзбек тилида, демак, ўзбек тилини ҳам, ҳақорат қилиб турамиз. Ҳақоратлар учун на мўғул тили ёхуд на бошқа бирон-бир тил айбдор эмас. Ҳақоратларнинг, хунук амалларнинг моҳиятини англатадиган барча сўзлар шайтони лаиннинг луғатидан чиққан. Мен ишдан чарчаб келсам, толиқишимнинг аламини баъзан сўкиниб чиқараман. Ҳар куни ишга боргунимча беш-ўн жойда одамлар бир-бирларини чидаб бўлмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилаётганларига дуч келаман. Дейлик, шундоққина мактабнинг ёнидан ўтиб бораётсам, футбол ўйнаётган болаларимиз бир-бирларини куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилиб елиб-югуришадики, беихтиёр, “Ё худо, бу болалар спорт мусобақаси ўтказишаяптими ёки ҳақорат беллашуви” деб ўйлайман. Айрим жойларда одамлар шу даражада ҳақорат бангиси бўлиб кетишяптики, бир-бирига “Ҳе, фалонингни фалонини фалон” дейишмаса бирон-бир жиддийроқ ишнинг битиши ҳам амри маҳол. Бу битган ишнинг “сифати” эса, аксар, ана шу ҳақоратга яраша бўлади. Баъзан кишиларимиз ўзларини эҳтимолда тутилаётган ҳақоратлардан ҳимоя қилиш учун айбсиз одамларга ҳеч қандай асоссиз шундай бир “профилактик” зарбалар бериб қўйишадики, беихтиёр сассиққўнғиз ёдингга тушади. Сассиққўнғиз-ку, ҳарқалай, реал хавф пайдо бўлганидагина ўзини ҳимоя қилади. Одамлар бўлса... Мен бундай пайтларда беихтиёр буюк Анна Ахматованинг сўзларини эслайман: “Одамларни кечириш керак, айниқса совет одамларини”. Ҳали анча вақтгача ҳужайраларимизда шўролар тузумининг иллатлари яшайди. Етмиш йиллик тазйиқларнинг иллатлари ўн йилда руҳимизни тамомила тарк этади, деб ўйласак, қаттиқ янглишамиз. Шундай хуружлар пайтида феъли кенгроқ бўлишимиз, кечиримлилик билан иш тутишимиз лозим бўлади. Яна тағин ўйламангки, бу жиззаки муаллиф халқимизни одобсиздан олиб одобсизга соляпти, деб. Алҳамдулиллаҳ, одоб икроми, ширинкаломлиги аҳли башарга ибрат бўладиган инсонларимиз бисёр ва уларнинг эзгу ўйлари, тўғри сўзлари, яхши амаллари билан мамлакатимиз тараққий топиб бораётибди.

Муомала маданияти, деганда беихтиёр халқимизнинг “Аввал ўзингга боқ, сўнгра ноғора қоқ” деган мақоли ёдга тушади. Ҳеч эсимдан чиқмайди, талабалик йилларим, рус халқ мақоллари бўйича семинар машғулотлари кетаётган эди. Рус тилининг улуғ билимдонларидан бири, устозимиз Камилиян Атаулович Гаделшин: “Ҳозир фамилияларингизни навбат билан айтиб тураман, чақирилган талаба дарҳол битта рус мақолини айтиши керак”, дедилар. Устознинг “Абдулҳакимов” деганини биламан, ўрнимдан дик этиб туриб, жаҳонда бошқа мақол қуригандай “Незванный гость хуже татарина” деб қолсам бўладими. Аудиторияга сув сепгандек жимлик чўкди. Қирғиз дўстим Бўрибек Абдувалиев менга ўқрайиб, кўрсаткич бармоғи билан чаккасини пармалай бошлаганидагина қандай қовун тушириб қўйганимни англадим. Аммо, сезиб турганингиздек, қолипдан кўчган ғишт кўзга кўринмай аллақачон бошимга келиб тушган, осмон узоқ, ер қаттиқ, ёрилишни хаёлига ҳам келтирмасди. Бутун бир курс талабалари устозга қараб жовдирарди. Устоз пинак бузмадилар. “Яша, Матназар! Нега жим бўлиб қолдинглар, ҳеч қандай хижолат чекадиган жойи йўқ бу мақолнинг. Аваламбор, бу мақол мўғул-тотор босқинчиларини кўзда тутиб тўқилган. Қолаверса, мақол тўқиётган халқ кимнидир хафа, кимнидир хурсанд қилишни ўйлаб ўтирмайди, тикка кўзингга қараб гапиради” дедиларда, мақолларнинг келиб чиқиш хусусияти ҳақида шундай чиройли ва мухтасар маъруза қилдилар. Мен бу мақолни мутлақо ўринли келтирибман деб ўйлаб, ичимдан ўзимга-ўзим деярли қойил қолиб ўтирардим. Тўрт йил шу муборак инсондан таълим олдим, ана шу ҳовлиқмалигимни бирон марта бўлсин юзимга солмадилар. Мавриди келди, яна бир эзгу сўз ҳақида гапириб ўтай. Шу устозимизнинг оналари вафот этиб қолди ўша йиллари. Деканимиз ўринбосари, собиқ денгизчи, ниҳоятда очиқкўнгил инсон Василий Иванович Смирнов бизларни чақириб “Камилиян Атауловичнинг оналари вафот этибди. Сизлар мусулмон фарзандларисизлар, ҳаммангизга икки соатга рухсат. Қандай расм-русумлар бўлса, иштирок этиб қайтинглар” деди. Ана шундай қилиб, мен олис русияда комсомол аъзоси эканлигимда илк дафъа жаноза сафларида турганман. Шунда устозимиз қабристондан кела келгунча биз билан тўрт йил деганда биринчи марта татар тилида гаплашиб қайтдилар. Тили ниҳоятда мусаффо эди, рус сўзларини аралаштирмай гапирар эдилар. Бу воқеа етмишинчи йилларнинг бошларида юз берган, бизда ўша пайтлари айрим мусулмонлар марҳумларини бежаноза кўма бошлаган эдилар...

Аввал бошда Сўз бўлган дейдилар. Илк сўз, албатта, эзгу бўлган. Фикр ҳам шундай, амал ҳам. Ҳар бир заррадан тортиб ҳар бир одамгача – барчамиз Ватанимизнинг алоҳида бир тимсолларимиз. Шуларнинг ичида одамзоднинг ўрни бўлакча. Руҳиятимизда эзгу амал тарзида рўёбга чиқиши мумкин бўлган бир эзгу сўз бўлсагина, биз бундай унвонга муносибмиз. Ватандош, деган сўзнинг ҳам масъулияти шундай. Сизнинг, бизнинг Ватандошларга раво кўрган ҳар бир сўзимиз Ватанга раво кўрган сўзимиз, амалимиз ҳамдир. Чунки, сўзлар бир кунмас бир кун амалга айланадилар.

...Тонг отаётир. У Ватанимизнинг яхши одамларига ўхшайди. Субҳидам ҳали замон ҳаммамизга қуёшни туҳфа қилади. Мен мусобақалашаётган фарзандларимизга фақат спорт беллашувларида эмас, бир-бирларини ардоқлаш бобида ҳам муваффақиятлар тилайман. Азалдан абадга қараб кетаётган жабрдийда она тилимизнинг мана шу отаётган тонг каби ғуборлардан фориғ бўлишини истайман. Бизларнинг ўзбек бўлиб қолишимизни биздан ҳам қаттиқроқ хоҳлаган олис русиядаги устозларимнинг, гарчи бундан ўттиз йил аввал мен билан хайрлашаётганларида мўйсафид бўлган бўлсалар ҳам, ҳамон барҳаёт ва бардам эканликларига қаттиқ ишонгим келади.

Шу соҳир тонгнинг шаффоф нурлари бир кунмас-бир кун ўз сеҳргарлиги билан софдил инсонлар руҳиятини бадбинликлардан халос этиб, яна ҳам муҳташам қилади. Халқимизнинг эзгулик қудрати шундайки, ҳар қандай ёвузлик аждаҳосини ҳам чувалчангчалик кўрмай мажақлаб ташлайди. Ишонаман, фарзандларимиз келажакда қўлидаги шарчасини қочириб юборган болакайга ўхшаб, афсус чекиб қолмайдилар. Улар бутун ер шарини ишонч билан бағрига босадилар. Ватандошларимизнинг ҳар бир нафари ҳақида қўшиқ айтса арзийдиган кунлар келади.

Мен сизга қўшиқлар ваъда этаман.

**Матназар АБДУЛҲАКИМ**

## БОЖХОНА

# ҲУЖЖАТСИЗ СИГАРЕТЛАР

***Қашқадарё вилояти божхона бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 154-сонли қарори ижроси бажарилиши юзасидан кенг кўламдаги тадбирлар амалга оширилмоқда.***

Жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида жами 330 та қонунбузарлик ҳолатлари фош этилиб, умумий миқдори 88 миллион 200 минг сўмлик қийматдаги ноқонуний йўллар билан олиб ўтилаётган товармоддий бойликлари ушлаб қолинганлиги ҳам бунга яққол мисол бўла олади.

Республикамиз ҳудудига акциз маркасисиз тамаки маҳсулотларининг хорижий давлатлардан олиб келинишини олдини олиш борасида ўтказилаётган тадбирлар натижасида кўплаб ноқонуний ҳаракатларнинг олди олинмоқда. Яқинда вилоят божхоначилари томонидан республикамиз фуқаролари Салим Гулбоев ҳамда Алишер Бобоёровларга тегишли бўлган 10990 кути умумий миқдори 4 миллион 945 минг 500 сўмлик Ўзбекистон Республикаси акциз маркаси билан тамғаланмаган “Pine” сигаретлари тўхтатиб қолинди.

Аниқланишича, иккала “тадбиркор” мазкур юкларни Туркманистон Республикасидан божхона ва чегара назоратини четлаб ўтиб, ноқонуний равишда ҳеч қандай ҳужжатларсиз республикамиз ҳудудига олиб киришга уринган эканлар. Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 182-моддаси 2-қисми “А” банди билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, республикамиз фуқароси Неъмат Аликуловнинг ҳам шундай қинғир ишга қўл урганлиги божхоначилар томонидан аниқланди. Ушбу тадбиркор “ГАЗ-31028” русумли автомашинада 2400 кути умумий қиймати 1 миллион 80 минг сўмлик акциз маркаси бўлмаган “Pine” сигаретларини ноқонуний равишда республикамизга олиб киришга уринган. Аммо унинг ҳам бу ғайриқонуний ҳаракатларига ўз вақтида чек қўйилди.

Чўнтак ғамида юрган ушбу тадбиркорлар фақатгина ўз жиғилдонини ўйламасдан умумий фаровонлик калити ҳисобланувчи юрт ғазнасига бориб тушадиган тегишли тўловларни тўлаган ҳолда иш юритганларида сих ҳам, кабоб ҳам куймас эди.

**Нурбек САЛОМОВ**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

### ШАҲДАМ ОДИМ

***Қоракўл тумани марказидаги “Қоракўлтекс” Ўзбекистон – Америка қўшма корхонасининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш мақсадида навбатдаги иккинчи босқичи ишга туширилиши режалаштирилмоқда.***

Корхонанинг иккинчи навбатини ишга туширишда Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг Асака банки орқали 1,5 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит олинди. Шунингдек, 963 минг доллар миқдорида чет эл инвестицияси киритилди. Бу маблағларга эса Англия, Германия ва Туркия мамлакатларида ишлаб чиқарилган энг замонавий дастгоҳлар келтирилди.

### ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛДИ

***Олот туманидаги “Зарафшон” ширкат хўжалиги аҳолиси яна бир ажойиб қулайликка эга бўлдилар.***

Бу жойда 300 нуқтали янги телефон тармоғи ишга туширилди. Бу хайрли иш “Ўзтелеком” акционерлик жамиятининг “Бухоротелеком” филиали ташаббуси ва кўмаги туфайли амалга ошди.

### ЭНДИ ГАП УЛАРНИ ИШЛАТИШДА

***“Экосан” – маҳаллада” дастурига асосан “Экосан” халқаро жамғармаси томонидан инсонпарварлик ёрдами сифатида 5 та электр насослари Бухорога жўнатилди.***

Уларнинг умумий қиймати 19 миллион сўмни ташкил қилади. Бу насослар сув таъминотида катта қийинчилик сезилаётган Олот, Қоракўл, Жондор, Пешку, Шофиркон туманларига тақсимлаб берилди.

**Дилмурод ЖАББОР,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

### ЎЗБЕК ТОВАРЛАРИ ЯРМАРКАСИ

***Андижондаги марказий универмагда мамлакатимиз саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган товарлар ярмаркаси очилди.***

Бу ерда “Тоштўқимачи”, “Намангантўқимачи”, Тошкентнинг “Тонг”, “Юлдуз”, Фарғонанинг “Қувасой чиннчиси”, Хоразмнинг “Хива гиламлари” акциядорлик жамиятлари ва бошқа ўнлаб фирма, корхоналарнинг маҳсулотлари намойиш этилмоқда. Ярмаркадан асосан ип-газлама маҳсулотлари, кўйлаклар, гиламлар, кундалик эҳтиёж моллари ўрин олди.

**“Туркистон-пресс”**



## ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТИ – АМАЛДА

**Қамаши туманидаги педагогика иқтисодий касб-ҳунар коллежи қошида тикув цехи очилди. Унда 20 хилдан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, ички бозорда сотиляпти. Цехда мутахассислар билан бир қаторда коллеж ўқувчилари ҳам меҳнат қилмоқда.**

**СУРАТДА: тикув цехи устаси Раҳима Худойбердиева.**

С.НАРЗИЕВ олган сурат.

# ТУНГИ ШАРПАЛАР

(Боши 1-бетда)

Улар ҳалол меҳнат қилиб, эл қатори яшаш ўрнига, ўзгалар молини ўғирлаш орқали энг қалтис ва шармандали тирикчилик ўтказишни афзал кўрдилар.

Қурбоналининг уйида бўлиб ўтган тундаги машваратдан сўнг, 2001 йил 28 август куни биринчи ўғирликка фатво берилади. Ўзларича катта “бизнес”ни бошлаган бу нияти нопок кимсалар жиноий ишларини амалга ошириш жараёнида ким қандай вазифани бажариши лозимлигини ҳам белгилаб олдилар. Ёши ҳам шерикларига нисбатан анча катта ва қамоқда ҳам анча “кўзи очилиб”, тажрибаси ортиб келган Қурбонали асосан ўғриларга ўзининг шахсий машинасида хизмат кўрсатишни ва ўғирлик молни “гум” қилишни зиммасига олди. Қолганлар хонадонлардан мол ўғирлаш ва Қурбоналиникига олиб келиш билан шуғулланадиган бўлишди.

Қишлоқларда ёзда далаларда айни иш қизиган давр бўлади. Кун бўйи меҳнат қилган деҳқонлар, тонгда кун қизимасдан туриш ниятида эртароқ уйқуга кетадилар. Ўғирликни амалга ошириш жараёнида қилинадиган ҳар бир хатти-ҳаракатни олдиндан режалаштирган “тунги шарпалар” айнан мана шу ҳолатни ҳам олдиндан эътиборга олишган. Шунинг учун улар «ов»га доимо туннинг ярмида чиқишган. Улар “Гулистон” жамоа хўжалигида яшовчи Н.Алменқуловнинг қўраси атрофига келишганда ҳам соат миллари тунги 2 ни кўрсатиб турарди. Улар қоронғи тун пардасидан ва хонадон эгаларининг қаттиқ ухлаб ётганликларидан фойдаланиб, Н.Алменқуловнинг ҳовлисидан бир бош сигир ва бир бош бузоғини ўғирлаб олиб чиқиб кетадилар. Моллар тонгда Қурбоналининг уйига олиб борилади.

Икки ҳафтадан сўнг бу молларни Қурбонали Салимбоев Чирчиқ шаҳрида номаълум шахсга 150 минг сўмга сотиб, пулни ўзаро бўлишиб олишади. Ўғриларнинг таъбири билан айтганда, биринчи “гум” операцияси муваффақиятли якун топди. Иш сип-силлиқ кечди. Ҳеч ким улардан шубҳаланмади ҳам. Энг муҳими, мўмайгина пул осонлик билан чўнтакларига тушди.

Демак, ишни яна давом эттирса бўлади. Фақат мўлжални аниқ олиш ва ишни пухта қилиш керак. Бу сафар ҳаром луқма еб анча дадиллашган жиноий гуруҳ шу тумандаги “Саксонота” жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Н.Ўсеровнинг ҳовлисини мўлжалга оладилар.

2002 йилнинг 11 январга ўтар кечаси тунда Қурбонали ўз шахсий “ВАЗ-2103” автомашинасида Тоҳир, Дилмурод, Ўткир ва Музаффарларни “Саксонота” жамоа хўжалиги ҳудудига олиб бориб ташлайди ва ўзи уйига қайтади. Улар Н.Ўсеровнинг ҳовлисига пусиб киришиб, молхонасида боғлиқ турган иккита сигирни етаклаб чиқишди. Бу сафар улар ўғирланган молларни Чирчиқ шаҳрига Қурбоналининг қариндоши бўлган Ихтиёр исмли кишининг уйига олиб боришади. Эртасига Қурбонали юк машинасини олиб келиб, иккита сигирни юклаб, айланма йўллар орқали Қозоғистон Республикасига олиб бориб, номаълум шахсга 400 минг сўмга сотади. Қайтиб келиб, молни ўғирлаган болаларга 15 минг сўмдан беради, қолган пулни эса ўзи олади.

Ўғирлик билан топилган пулга мазахўрак бўлиб қолган жиноятчилар тўдасининг иштаҳаси борган сайин очилиб бораверади. Улар Юқори Чирчиқ тумани ҳудудида яшовчи ўнлаб хонадонларни қонқақшатиб, чорва моллари ўғирлашни икки йил муттасил давом эттирадилар. Қўллари эгриликка мойил бўлиб қолган ўғригина болалар, ҳатто ўз-ўзиларининг тўда бошларидан ҳам сир тутган ҳолда ўғирлик қиладилар. Балки улар Қурбонали бераётган пулдан қониқишмаган ёки у бизга кам пул бераётир, деб гумон қилишган бўлса керак.

2002 йилнинг июл ойи бошларида Д.Зулпиев, Т.Салимбоев ва М.Мамаюсуповлар Қурбоналининг уйига навбатдаги ўғирликни амалга оширишни режалаштириш учун тўпланишади. Улар бу сафар ўзларининг маҳалладошлари бўлган Абдураҳим Ҳайитовнинг молига кўз олайтирадилар. Улар тунги соат тўртларда А.Ҳайитовнинг хонадонига етиб келадилар. Атроф зимистон тун. Бутун борлиқни сукунат қоплаган. Ҳатто қишлоқ итлари ҳам уйқуга кетганми, ёмон ният билан юрган бу кимсаларни сезмайди. Ҳовлидаги чироқлар ҳам ўчирилган. Бу ўғрилар учун яна бир имконият. Дилмурод билан Тоҳир дарвозадан ошиб ўтишиб, ичкаридан дарвозани очади. Сўнг учаласи битта сигир ва битта буқани боғлоғлик турган қозиғидан ечиб олишиб, Чирчиқ шаҳрига қараб ҳайдаб кетишади. Йўлда эса номаълум шахсларга иккита молни 250 минг сўмга сотиб, пулини ўзаро бўлиб олишади. Эртасига тўдабошилари Қурбоналига бу ҳақда ҳеч нарса дейишмайди.

Халқимизда “қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам чиқади”, деган нақл бор. Лекин бизнинг тезкор давримизда қинғир ишнинг қийиғи қирқ кунда ҳам чиқиши мумкин. Ўтган икки йил давомида йигирма бешга яқин оилаларнинг тинчини бузиб, уларга кўп миқдорда моддий зарар етказган бу тўда аъзолари “туя ютсак думини кўрсатмаймиз”, деган даражага етиб қолишган эди. Ўзгаларнинг мол-мулки ҳисобидан чўнтаклари қаппайиб, кўзларини ёғ босиб қолган бу тубан бандалар эндиликда унчамунчадан чўчимай ҳам қўйишган эди. Энди улар илк жиноий ишларини бошлаган даврларидагидек ўғирланган молларни кўркиб, писиб узоқроқ, ҳеч ким изини тополмайди, деган фикрда қўшни республикаларга олиб чиқиб пуллашмас, балки дуч келган биринчи харидорга сотиб юборишни одат қилишди.

Кўза кунда эмас, кунида синади, дейишади. Уюшган бу тўданинг жиноий фаолиятига чек қўйиладиган, сири ошкор бўладиган кун етиб келган эди. Ўғрилар навбатдаги жиноий ишларининг маҳсули бўлган «тунги ов»даги ўлжаларини Қурбоналининг эмас, Қибрай туманидаги Байтқўрғон қўрғонида яшовчи М.Мамаюсуповнинг отасиникига олиб келишади.

Эртасига ўғирланган сигирлардан биттасини шу қўрғонда истиқомат қилувчи Зоҳид Мавлоновга 150 минг сўмга сотиб юборишади. Ўз навбатида З.Мавлонов ҳам бу сигирни бозорга олиб чиққанида ҳақиқий эгаси Махамбек Ўсеров ўз сигирини таниб қолади. З.Мавлонов сигирни М.Мамаюсуповдан сотиб олганлигини, М.Мамаюсупов эса ички ишлар ходимларига сигирни қаердан “олгани”ни ва шерикларини айтади...

Юқори Чирчиқ тумани ИИБ ходимларининг тезкор саъй-ҳаракатлари натижасида жиноий гуруҳ аъзолари қўлга олиндилар. Қурбонали Салимбоев, Музаффар Мамаюсупов, Ўткир Аҳмедов ва Диёриддин Салимбоевлар жиноий хатти-ҳаракатлари уларнинг ўз айбларига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўргазмаларидан ташқари, жабрланувчилар ва гувоҳлар билан ўтказилган юзлаштиришлар баённомалари, айбланувчиларнинг кўргазмаларини воқеа жойида текшириб кўриш баённомаларида, олинган далилий ашёлар ҳамда жиноят иши юзасидан тўпланган бошқа ҳужжатлар билан тўлиқ ўз исботини топди.

Жиноятчилар Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддалари бўйича айбланиб, қилмишларига яраша жазосини олдилар. Биз шу ерда мақолага нуқта қўйишимиз мумкин эди. Лекин... Туман ҳудудида аҳоли анча тирбанд яшайди. Юқорида жиноят содир қилган кимсалар ўғирлаган молларини асосан катта йўллар бўйлаб, қишлоқлар оралаб олиб ўтишган. Ҳатто Чирчиқ шаҳригача бир неча молларни пиёда ҳайдаб боришган. Албатта, уларни баъзилар кўрган бўлишлари керак. Кўрган бўлишса, нега гумон қилишмади, керакли жойга хабар беришмади? Ахир қишлоқларда ҳамма бир-бирини яхши танийди. Бегона дарров кўзга ташланади.

Лекин биздаги энг ёмон иллат – бефарқлик, “менга нима” қабилида иш тутишимиз туфайли кўплаб жиноятлар содир бўлмаётирмикан. Қолаверса, ҳозир ҳар бир маҳаллада маҳалла посбонлари бор. Уларнинг масъулияти-чи?

**Раҳим АЪЗАМОВ,**
**Юқори Чирчиқ туман ИИБ тергов бўлинмаси бошлиғи, милиция майори.**

# МАНГУЛИК ТИМСОЛИ



(Боши 1-бетда)

Бундай гап-сўз, шов-шувлар ўз йўлига, аммо ўша сафарлар чоғида ёзилган асарлар бу ташрифлардан самара бўлиб ўзбек шеърияти бисотини бойитди. Ғафур Ғуломнинг ташрифи, албатта, вилоят ва шаҳар раҳбарларининг эътиборида бўлар, аммо у киши ўз қадрдонлари – ўттизинчи йилларда Тошкентда ҳамкорлик қилган, "Ёш Ленинчи" (ҳозирги "Туркистон") газетаси масъул котиби, айни пайтда "Ленин учқуни" (ҳозирги "Тонг юлдузи") газетасининг биринчи муҳаррири бўлган журналист Ҳотам Қирғизбоев, ёзувчи ва таржимон Санжар Тилла, "Муштум" журналида ишлаган шоир Акрам Қодирий, шунингдек, ўша пайтда вилоят газетасида ишлаб ижод қилаётган Турғун Пўлат, Ҳамид Нурий, Ҳусниддин Шарипов, Азиз Турсун, Алихон Ҳалилбеков, Нуриддин Бобохўжаев, Иброҳимжон Юсупов каби ижодкорлар, санъаткорлар, зиёлилар қуршовида бўлардилар.

Соғлиқни сақлаш тизими, қишлоқ хўжалиги, саноат ва бошқа соҳаларда ҳам у кишининг мухлислари кўп бўлиб, ўз даврининг донгдор хўжалик раҳбарлари Мамадали Икромов, Юнусали Йўлдошев, Чортоқ туманидан Юсуфжон Бобохоновлар ҳам Ғафур акага пешкаш эдилар.

Барча табақадаги одамларнинг Ғафур акага талпиниши замирида у кишининг даврасида файзу фаришта, баҳорий беғуборлик, самимий суҳбат ва ичакузди қаҳқаҳа, суҳбатларга инган закийлик ва билим, одамохунлик ҳукмрон бўларди. (Мен бунга кейинчалик кўп гувоҳ бўлганман). Асл халқ шоири ана шундай бўлади. Ўзининг мумтоз эканини тириклигидаёқ ҳис этган, ёш боғча боласидан то мўйсафид академикларгача ўзига яраша тил топиб гаплаша билган, ҳеч кимни ўзидан паст тутмаган Ғафур Ғулом тўла маънода шоир бўлганда ҳам шоирликнинг тимсоли эди.

Бундай давралардаги хуш кайфият, ширин суҳбатлар шоирга ҳам кўтаринки руҳ ва илҳом бағишларди. Биз ўнинчи синфга эндигина кўчган 1958 йил ёзида Ғафур аканинг Наманганга ташрифлари Наманган учун ҳам, ушбу сатрлар муаллифи учун ҳам тарихий воқеа бўлган эди. Бошқача айтганда, суратларини кўриб, асарларини ўқиб, овозларини радиода эшитиб юрганим Ғафур Ғуломни илк бор "Наманган ҳақиқати" газетаси редакциясининг эшиги олдида Санжар ака, Азиз Турсун ва бошқалар даврасида кўрдим. Чуст дўпписининг қиррасини олдинга қилиб кийган, ўша пайтда удум бўлган оқ жужун кителдаги, тасаввуримдагидан ҳам улуғвор, Суқротмонанд Ғафур ака даврага кўрк бағишлаб, гурунг бериб редакциядан маъмурий марказ томонга (ҳозирги Асадулла Хўжаев кўчаси) кетишаётган эди. У кишини яқинроқ кўриш учун ўн-ўн беш қадам ортда юриб кузатиб бордим. Ўша пайтдаги сиймолари қалбим ва кўзим мардумига муҳрланиб қолган.

Ўша сафарнинг энг буюк самараси "Наманган учун" деган шоҳ шеър эди. Ҳамон у шеърни ҳар гал ўқиганда янги-янги қирраларини кашф этаман:

**Наманган деганда ҳар қари-ёшнинг,**
**Лабидан бол томар, тиллари ширин.**
**Азалдан файзи бор бунда қуёшнинг,**
**Юзларда қон-қаймоқ ранги яширин.**

Баланд пардаларда бошланган шеър сатрма-сатр дилни ром этадиган оҳанги, мумтоз ташбеҳлари билан Наманган шаънига ажиб мадҳия бўлиб давом этади. "Юзларда қон-қаймоқ ранги" ташбеҳининг ўзиёқ юксак санъатни намойиш қилади.

**Сиҳат тилаганлар бу ерга келур,**
**Ошиқлар мот қолган ишвалар бунда.**
**Бу ерда ипорнинг қадри тўкилур**
**Эрка бир ҳаловат кезади тунда.**

Ёки:

**Наманган ҳавосин куйладим чоғи,**
**Сувлари Навоий умидидек пок,**
**Тоғлардан шарқираб келган ирмоғи**
**Машрабдай Ғазалхон, Мажнун-яқо чок.**

Навоий билан Машрабни, Машраб билан Наманганни, яна Машраб билан Мажнунни олтин занжир каби боғлаб бир ташбеҳ атрофида жамлаш фақат Ғафур Ғуломга насиб этган буюк истеъдодгагина хос.

Бундай баланд пардада куйлаш учун ўша ўзи мадҳ этаётган заминга оташин муҳаббат ҳам бўлиши керак.

"Кулсаларинг кулаверинглар, ўқувчиларим. Холис сўз билан шуни айтаманки, Наманган қизларини яхши кўраман, - деб ёзган эди шоир. – Ипакка ҳам ўхшайди, нурга ҳам ўхшайди, гулга ҳам ўхшайди. Рассом табиат бутун маҳоратини шу қизлар нусхасида машқ қилиб кўргандай. Олмалари ҳам, гилослари ҳам, бир юз қирқ навли узумлари ҳам, анорлари ҳам ширинлиги қизларнинг сўзларига, шароби илтифотига, сиркаси жаҳлларига ўхшайди".

Ана Сизга она Ватаннинг бир гўшасига бўлган муҳаббат!

Ғафур ака Тошкентдан Қўқонга, гоҳ Қўқондан Тошкентга Наманган орқали ўтардилар. Бу ерда бир неча кун тўхтаб ёр-дўстлар билан дийдорлашиб кетардилар.

Ана шундай қисқа қўнишлардан бирида оқшомни дўстлар билан хушчақчақ давра қуриб ўтказдилар-да, хайрлашув пайтида:

-Мен азонда Қўқонга жўнайман. Овора бўлиб бирортанг келиб ўтирмаларинг, - деб тайинладилар.

Аммо, Ҳотам ака Қирғизбоев шоирни шундоқ кузатгиси келмаганми ё кўнгли сабуҳий тилаганми, ён чўнтагига бир-икки дона анор, ички чўнтагига бир шиша ароқ солиб, тонг ёришган паллада меҳмонхонага етиб келади. Тонготар куйчиси аллақачон уйғониб, соқолларни қиртишлаб, меҳмонхона олдида у ёқбу ёққа юриб турарди. Ҳотам ака келиб қучоқлашиб кўришганда биладики мезбоннинг "нияти бузуқ". Ғафур ака меҳмонхона олдида кишнаб турган "Волга"га ишора қилиб шеър айтади:

**Худонинг бирлигига ишондим мен,**
**Ва лекин ўртада Мустафо йўқ.**

Яъни ароқни ичиш учун пиёла керак. Пиёла машинада. Машина бўлса берк, уни очадиган Мустафо (Ғафур аканинг шофёри) йўқ. Шу пайт қаердандир Мустафо пайдо бўлиб, машинани очади. Ғафур ака ўриндиққа ўрнашиб, Ҳотам акага юзланади:

-Овора бўлмаларинг, дегандим-ку. Хайр. Ҳайда, Мустафо!

Ароқ ҳам, анор ҳам Ҳотам аканинг чўнтакларида қолаверади.

Академик шоир узоқроқ муддатга келганда шаҳар биқинидаги Тельман номли колхоз (ҳозирги "Соҳибкор" ширкат хўжалиги)нинг боғига қўнар эдилар. Бу боғнинг хушҳаволиги, дид билан безатилган меҳмонхонаси ижодий ишга рағбат бағишлар, қолаверса бу хўжаликда ишлайдиган боғбону соҳибкорлар, сувчи-ю, агрономлар билан суҳбатлашишга имкон берарди.

Маълумки, 1960-67 йилларда Наманган вилояти тугатилиб, Андижон ва Фарғона вилоятлари таркибига кирди. Бу ҳолат Ғафур аканинг Наманганга интилишини заррача сусайтирмади, аксинча кучайтирди. 1964 йилнинг июн ойида буюк шоир ўзи ўрганган ўша боғда бир неча кун дам олди. Ўша кунларда

**Шу кўм-кўкда тинчлик каптари**
**бизнинг Намангандӑн,**
**Муҳаббат ҳам вафонинг дафтари**
**бизнинг Намангандӑн.**

деб бошланувчи ғазали, "Олуча" шеъри вужудга келди:

**Наманган қизларин лаъли лабидай**
**Мунча шифолисан ёқут олуча.**
**Абу Али Сино "ал-Қонуни"да**
**Соғломлик бобининг туб мазмунича.**
**Бу энди Наманган-она тупроқнинг**
**Қутлуқ қудратидан тиқин, пўсти танг.**
**Ё ҳижрон ўртаган севгучи дилнинг**
**Қатра-қатра қони сенга бермиш ранг.**

Наманган заминига бўлган, унинг меҳнаткаш халқига бўлган самимий муҳаббатини шоир шеърларидагина эмас, балки бетакрор очеркларида ҳам изҳор этган эди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, ўша йиллари Наманган туманида (у йиллари бир неча туманни бирлаштирган бошқарма) чиқадиган "Учқун" газетасига муҳаррирлик қилган раҳматлик Иброҳимжон ака Юсупов ҳикоя қилиб берган эди. Бир куни боққа бориб Ғафур акадан ўз газетаси учун бир мақола ёзиб беришни илтимос қилибди.

-Қанча гонорар тўлайсан, - дафъатан сўраб қолибдилар Ғафур ака.

Бундай саволни кутмаган муҳаррир дудуқланиб қолибди.

-Ҳа, энди, кичкина газета, қанча бўларди...

-Билиб қўй, укам... "Ҳа, энди кичкина газета" бўлса, кичкина газетангга мақола ёзадиган аҳмоқ катта шоир йўқ.

Кулги кўтарилибди. Орадан уч кун ўтгач "Наманганлик пахтакорлар яна бир мардлик кўрсатинг" сарлавҳали мактуби газета юзини кўрибди.Ўша кунларда Ғафур Ғулом "Ноз-неъматлар корхонаси" сарлавҳали очерк ҳам ёзган. Шоир қамровининг кенглиги ана шу очеркда ҳам ёрқин намоён бўлган. Сатрларни қаранг:

"Пиёзнинг думини мард қирқсин, деган ўзбек мақоли бор. Сиз бир боғ барра пиёзни, бир боғ укропни, икки бош саримсоқни, учта бодрингни, олтита помидорни, битта аччиқ қалампирни тўғраб, палов олди шакароб тайёрламоқдасиз. Шу неъматлар сизнинг тиғингизга бўйин бергунча колхоз сабзавотчиларидан Тошпўлат отанинг кўз нуридан ўтган, Абдураҳимжоннинг йигитлик кучидан бир тутамини ўзига шимган, Дилбархон Алимованинг жамолидан ранг кўчирган".

Наманганлик деҳқонлар мадҳ этилган "Жаноби инсонлардан бири" очеркида ҳам, бошқа чиқишларида ҳам шоирнинг бу юртга меҳри уфуриб туради.

Ғафур Ғулом публицистикаси, очеркларидаги санъаткорлик ҳам шеъриятдаги маҳоратидан кам эмаслиги, унинг қаламидан ўтган ҳар бир сўз олмосдай жилоланиб кетиши ҳайрат уйғотади одамда.

Ўзбекистоннинг ҳамма гўшаларида ёшу қари, эру аёл, қизу йигит Ғафур Ғуломни севиб ўқийди. Табаррук номини ардоқлайди. Бу эъзоз ҳеч шубҳасиз шоирнинг она Ватани Ўзбекистонга, ўзбек халқига бўлган олов муҳаббатига жавобдир.

**Ҳабиб САЪДУЛЛА,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

Матбуотда биринчи марта эълон қилинаётган бу сурат ўтган аср эллигинчи йилларининг иккинчи ярмида Наманган туманидаги "Соҳибкор" ширкат хўжалиги боғида олинган. Унда ўтирганлар (чапдан) Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач Саид Маҳмудов, Ғафур Ғулом, хўжаликнинг ўша пайтдаги раҳбари Юнусали Йўлдошев; тик турганлар шоир ва ҳофиз Шўхий (Абдувоҳид Аҳадов), Санжар Тилла, Турғун Пўлат.

## СПОРТ ОЛАМИДА

### ҲАМЮРТЛАРИМИЗ МАҒЛУБИЯТГА УЧРАДИ, АММО...

***Ўтган куни футбол ишқибозлари Таиландда ўтказилган Осиё чемпионлар лигаси ярим финалидаги "Бек теро"-"Пахтакор" учрашувининг гувоҳига айланишди.***



Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирда рейтинг натижаларига кўра Осиёда биринчи жамоа деб тан олинган "Пахтакор" футболчилари мезбонлар билан тенгма-тенг ўйнашга ҳаракат қилишди. Аммо, мезбонларнинг мазкур учрашувга пухта тайёргарлик кўрганликлари, ўйин давомида таиландлик мураббийларнинг тактика ва стратегияни тўғри танлаганликлари "пахтакор"чиларни сарросимага солиб қўйди. Оқибатда ҳам ҳужумда, ҳам ҳимояда тошкентликлар рақибларига имкониятни бой бериб қўйишди. Дарвоқе, майдон марказида тўп билан эркин ҳаракат қилишда, тўпни шерикларига аниқ узатишда ҳам мезбонларнинг устунлиги сезилиб қолди. "Бек теро"нинг ҳужумлари самараси ўлароқ Нестеров ўз дарвозасидан 3 та тўп олиб чиқишга мажбур бўлди. Фақат иккинчи бўлимда Анвар Солиев томонидан йўлланган аниқ зарба ҳисобдаги фарқнинг бироз қисқаришига сабаб бўлди.

Хуллас, учрашув таиландликларнинг 3:1 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди. Лекин мутахассисларнинг таъкидлашича, "Пахтакор"да такрорий ўйинда ғалаба қозониш учун ҳамма имкониятлар етарли. Буни 22 апрелда "Пахтакор" марказий ўйингоҳида ўтадиган такрорий беллашув кўрсатади.

### ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ...

***Кейинги пайтда келажагимиз ворислари – жажжи кичкинтойлар ўртасида ҳам жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш мақсадида турли хил мусобақалар уюштирилаётганлиги таҳсинга лойиқ.***

Куни кеча Акмал Икромов туманидаги 604-боғчада 7 ёшгача бўлган кичкинтойлар иштирокида "Фарзандлари соғлом юрт – қудратли бўлур" шиори остида спорт тадбири ўтказилди. Туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан ташкил этилган ушбу мусобақаларда 700 га яқин болажонлар иштирок этишди. Спортнинг у-шу, каратэ, кикбоксинг, таэквандо турлари бўйича уюштирилган ушбу мусобақа қатнашчилари ғолиблик учун астойдил кураш олиб боришди. Дарвоқе, бунга қўшимча равишда ўзбек кураши, велопойга, арқон тортиш, варрак учириш, "Ким эпчилу, ким чаққон", "Кенгуру" деб номланган мусобақаларнинг уюштирилганлиги тадбирнинг қизиқарли ўтишини таъминлади. Шунингдек, мусобақа иштирокчилари ҳакамлар ҳайъатига бадиий гимнастика бўйича ташкил этилган турнирда ўз маҳоратлари қандай эканлигини намойиш этишди. Байрамона руҳда ўтган ушбу мусобақа якунида 550 – "Алпомиш авлодлари" соғломлаштириш сиҳатгоҳи маркази қошидаги сайёр цирк актёрлари ижросидаги томошалар тадбир файзига файз қўшди. Мусобақа ғолиблари эса туман халқ таълими бўлими таъсис этган эсдалик совғалари билан тақдирланиб, Тошкент шаҳри бўйича ўтадиган шу номдаги тадбирда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

### ФЕРГЮССОН: РАУЛ ЭНГ КУЧЛИ ЎЙИНЧИ

***Сафарда Мадриднинг "Милан" клубига 3:1 ҳисобида ютқазиб қўйган Англиянинг "Манчестер Юнайтед" клуби мураббийи Алекс Фергюссон Испания терма жамоаси ҳужумчиси Раулни дунёнинг энг яхши футболчиси, дея атади.***



Кечаги учрашувда айнан Раул "Манчестер Юнайтед" дарвозасига иккита гол киритишга муваффақ бўлган эди. "Умид қиламанки, жавоб учрашувида Раул ўйнамайди. Тўғри, "Реал" Фигу, Зидан, Роналдо каби энг кучли футболчиларни ўзига жалб этган. Лекин менимча, Раул барибир дунёнинг энг кучли ўйинчиси саналади", дея айтган Фергюссон.

### КАФЕЛЬНИКОВ КЕЙИНГИ БОСҚИЧГА ЧИҚДИ

***Россиялик профессионал ракетка устаси Евгений Кафельников Португалияда бўлиб ўтаётган халқаро турнирда грузиялик рақиби Ираклия Лабадзени 6:1, 6:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, иккинчи босқичга йўлланма олди.***



Лабадзенинг устидан ғалаба қозониш учун бор-йўғи 46 дақиқа сарфлаган Кафельников энди руминиялик теннисчи Адриан Войнейга қарши кортга чиқади.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади**

# ЎЗБАК БОБО

**Шукур ХОЛМИРЗАЕВ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси.**

**ҚИССАДАН ПАРЧА**

(Боши ўтган сонларда)

Ҳа, Шокиржонга ёқар эди, албатта. Фақат кечаси эшикни очиб қўй дер эди. Нафаси қисилармиди... Танчада ётардик. У... элингизга ўхшаб кенгликларни ёқтирарди. - У илиққина кулиб қўйди. - Бир марта тубавдаги боғларни кезиб, бир туп ёввойи токни томир-помири билан олиб чиқди. "Шуни экайлик, жўра. Сал сон кирсин уйларингга», деди. Мен ҳам қизиқдим бу гапга. Айвон олдида ўра қазиб, илдизини кўмдик. Ҳар куни челаклаб сув обчиқаман, тагига қуяман. Ҳе, кўкариб одам бўлганда...

- Ҳа, нимага тўхтаб қолдинг?
- Сигир ғажиб қўйибди.
- Э, аттанг.
- Шунақа гаплар, бобожон. Гапирсам, гап кўп... Ҳали дарднинг мўлга ўхшайди, дедингиз. Ичим тўлиб кетган. - Кейин бирдан бақириб юбораёзди. - Ер йўқ эмас, бор. Ҳатто икки туп қари тут ҳам бор. Ичи кавак бўлиб кетган. Бирининг остида отамдан қолган чайланинг излариям бор. Бор... лекин у ерга иморат қуриш қани? Бунинг учун куч-қувват, маблағ керак. Менда гўр борми? Шу костюмниям... - Шунда кулиб юборди. - Уйингизга борганда айтиб бераман, холам ҳам кулсинлар. Қаюмжон ҳам кейин айтиб юради.

- Эса, турайлик, - деб унга қаради чол ва Қисматилло беихтиёр соатига қаради.

- Майли, майли.

Қўзғалишди. Чол бўйраларни яна ўрам қилар экан, Қисматилло уларни деярли тортиб олиб, ўзи ўради-да, белини боғлашга ип тополмай қидиринаётганда, чол:

- Ҳе, деразадан ичкарига отиб жубор, - деди.
- Ҳа-а. Рост айтасиз.

3

Амирқул полвон чопони этакларини қоқиб ташлаб, йўлкага йўналар экан, беихтиёр атрофларга ўткир-ўткир кўз солар, нималарнидир эсламоқчи бўларди.

Тандирнинг олдига етганда чап тарафга қараганча бирдан тўхтаб қолди-ю аллақандай бўлиб, тахминан гангиброқ қолиб, йўлкадан чиқди. Ўша тарафдаги ҳали шип-шийдам бўлиб турган тиканли наъматак буталарини баайни ёриб ўтиб (қанча тиканлар қадалди, ўнгиридан тортди: чо изига қайтмас қобондек эди), ичини чирик хазонлар тўлдирган арикча ёқасига чиқди-да, тағин икки-уч қадам қўйдими-йўқми, бирдан пасайди. Чўнқайди.

Қисматилло дафъатан ҳайрон бўлиб қараб тураркан, аста томоқ қирди-да, ғиштлар устидан юриб кетди. Дарвозага етди. Сўнг сигарет тутатиб олиб, оғилхонага термулди. Сўнг эшиги йўқ — ғорнинг оғзига ўхшаб қолган жойга бориб, ичкарига мўралади. Чириган хашак ҳиди келди.

Ўзининг оғилидан анқиб турадиган шиптир ва нишхурд ҳидига ўрганган Қисматилло бу катак уйда мол боқилмаганини тахминлади. Аммо узоқ йили ҳам Шокир Тошкентдан келганида Қисматиллони шу боғчага ҳам бошлаб кирган ва бурчакдаги терак остида ўтиришган эди.

Ўшанда ушбу маҳалланинг кексаларидан машҳур Розиқ ўғри ҳам дарвозадан олдин мўралаб, кейин кириб, кейин аҳволлашгани буларнинг олдига келган эди. Кейин суҳбат қизиб кетиб, ул-бул «ташкил» этиш фикри ўртага тушган ва Розиқ ўғри невараси тенгли йигитларни қўзғалмай ўтиришларини сўраб, Шокир берган пулга, албатта, ўша ул-булни кўз очиб юмгунча келтирган эди.

Кейин қизишиб, Розиқ ўғрининг қизиқ саргузаштларини эшитиб ўтиришаркан, Қисматилло бу оқшом Шокирнинг ўз кулбасида меҳмон қилишини айтган, кейин уй-жой, том-тош ва Қисматиллонинг дардию ушбу боғнинг эгасизлиги ҳақида гап очилиб кетган, кейин Шокир ҳақиқатан ҳам боғнинг қаровсизлигини, ўзининг эса ҳали-вери бу ерга қайтмаслигини айтар экан, Розиқ ўғри: «Бир кўрайлик, жиян. Ўзи яшашга арзийдими? Эрони турганида бир нави эди», деб қолган ва учовлон уйларни кўриб, тағин шу дарвоза қошига етганда, Шокир: «Мана бу - оғил, униси - сомонхона, бу, мана бу кичкинаси ҳожатхона. Марҳамат қилишларинг мумкин», деб кулган ҳам эди.

Қисматилло: «Бу оғилга ўхшамайди», дея кўз олдидан новвосларию сигири ўтганича деворни четлаб нариги бостирмага борди. Ҳа, бунинг ҳам эшиги йўғ-у, лекин сомонхона бўлгани, балки шундай бўлишга мўлжаллангани аниқ эди. Чунки уйчанинг ичида шох-шаббалар қалашиб ётар, бир-иккита кавлаб олинган тунка ҳам бор эди.

Қисматилло ўша ерда туриб, тағин Амирқул полвон томонга қаради. Чол ҳамон чўнқайиб, чопони этаклари билан ён-верини беркитганча ўтирар эди. Қисматилло бирдан овоз чиқариб кулгили гап қотмоқчи бўлди-ю, истиҳола қилди. Бундан ташқари ушбу вазиятда чоли қурғур ҳар қанақа ҳазилни ҳам кўтаравермаслиги мумкин, бу эса - Қисматилло учун кони зиён эди.

Ўзи - чол қандайдир эриброқ турибди. «Бошқа бир иш қиламиз», деб қуйди. Шояд Худо кўнглига раҳм солиб, ол, қулим, деб юборса...

Қисматилло энди ҳожатхонага бир қараб қўйишни ўйлаб жилаётган эди, чолнинг товушини эшитди. Қария айвону тандир тарафга қараб, Қисматиллони чақирар эди.

- Бу ёқдаман. Мана мен! - деб бақирди Қисматилло юзига табассум югуриб. Аммо полвон бобонинг ҳамон бояги алфозда ўтириши уни беихтиёр жиддий торттирди. - Борайми?

- Э, - бурилиб қараган чолнинг овозида шўхчанлик пайдо бўлган эди. - Мен сени... - Бирданига ёрқин бир жилмайиш ила қулоғочдай қўли билан имлади. - Берман ке.

Чолнинг қўли билан имлаши Қисматиллонинг завқини тошириб юборди ёш болага ўхшаб кетди-да қария шу тобда. Демак, қизиқ бир нарсани кўрсатмоқчи.

Қисматилло ул нарсанинг, ҳарқалай, кулгили бўлишини туяроқ, шу ердан тўғри бедапояга ораламоқчи бўлди-ю, ўзини тийди. Намчил, билчиллаб турибди. Яп-янги туфли расво бўлади. Яхшиси, келган йўлидан боргани маъқул.

**(Давоми келгуси сонларда)**

# СОЧ НЕГА ОҚАРАДИ?

***Инсоннинг 60-65 ёшда, айрим ҳолларда 40-45 ёшда сочи оқариши табиий ҳол ҳисобланади.***

**МАСЛАҲАТ**

Лекин сочнинг эрта оқариши эса асаб тизими бузилиши, эндокриник ўзгаришлар билан боғлиқ. Шунингдек, организмда B, B1, B2 ва B6 витаминлар етишмаслиги ҳам ёшга нисбатан сочнинг тез оқариб кетишига сабабдир.

Модомики, юқоридаги сабаблар билан эрта соч оқариши кузатиларкан, шифокорга мурожаат қилиш тавсия этилади. Чунки асаб тизими, эндокриник ўзгаришлар ёки зарур витаминлар етишмаслиги соч оқариши (соч оқариши бу касалликларнинг дастлабки белгиси ҳисобланади), балки бошқа жиддий хавфларни ҳам келтириб чиқаради.

Агар соч оқариб кетса, уни химикат бўёқлар билан бўяш салбий оқибатлар, дейлик, соч тўкилишига ҳам олиб келиши мумкин. Шунинг учун оқарган сочларни табиий воситалар, хина, ўсма билан бўяш лозим. Пиёз пўстлоғи, исириқ, қизил лавлаги қайнатмалари ҳам сочни мустаҳкамлаш ва сочга табиий ранг беришда фойдалидир.




Т.МАҲКАМОВ олган сурат.

# ИНСОННИНГ МУНИС УЛФАТИ

(Боши 1-бетда)

Қўлёзмалар ҳукмдорлар, мансабдорлар ва давлатманд кишилар илтимоси билан хаттотлар томонидан кўчирилган. Рассомлар уларни турли-туман миниатюралар билан безатганлар. Китоблар ҳукмдорлар саройларида, зиёлилар қўлида, масжид, бутхоналар қошида тўпланиб, эъзозлаб сақланган. Афсуски, қўлёзма китобларнинг анча қисми турли босқинчилик урушлари, ўзаро тўқнашувлар, қирғин-баротлар натижасида куйдириб, йўқотиб юборилди. Натижада буюк олимларимизнинг анчагина нодир асарлари бизгача етиб келмаган, фақат номигина сақланиб қолган, холос.

Матбаалар вужудга келгандан кейин китоблар кўп нусхада чоп этила бошлади, у дунёнинг турли минтақаларига тез тарқаладиган бўлди. Китоб савдоси билан шуғулланувчи махсус савдогарлар, йирик китоб магазинлари, минглаб китоблар сақланадиган замонавий йирик кутубхоналар пайдо бўлди. Уларда сақланадиган қўлёзмаларнинг фиҳрист (каталог)лари тузилди, бу каталоглар орқали қайси мамлакатда у ёки бу олимнинг қайси китобининг қўлёзмаси борлигини бемалол билиб, уларни микрофильм ёки ксеро нусхасини олиб, нашр этиш, илмий тадқиқотлар олиб боришга кенг имкониятлар яратилди. Компьютерлар пайдо бўлиши билан китобларни чоп этиш, тарқатишда янада қулайликлар вужудга келди.

Китобларни муқовалаш, безаш ишлари юқори даражага кўтарилиб бормоқда.

Матбаа пайдо бўлишидан аввал китоб кўчириш, уни муқовалаш, безаш билан бир қисм кишилар шуғулланган бўлса, ҳозирги кунда дунёнинг ҳамма мамлакатларида миллионлаб мутахассислар нашриёт, босмахона, китоб дўконларида, кутубхоналарда ишлаб, рўзғор тебратмоқдалар. Бу китобларни халқнинг нафақат маънавий, балки моддий ҳаётидаги оламшумул хизмати эмасми?

Оила эҳтиёжи учун ишлатиладиган ҳамма ашё-буюмлар эскиради, китоб эса турган сари қиммати, қадри ортиб, секин-аста ноёб, нодир ёдгорликка айланиб боради. Дунё кутубхоналарида, айрим китобсеварларда пул билан баҳолаб бўлмайдиган қанчадан-қанча қўлёзмалар мавжуд.

Китобнинг бекиёс маънавий, маърифий аҳамияти ҳақида буюк алломалар жуда кўп ҳикматли сўзларни айтиб ўтганлар: "Китоб – барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир", деган эдилар соҳибқирон Амир Темур.

Шарқнинг буюк мутафаккирларидан бири Муҳаммад Жабалрудий шундай ёзадилар: "Китоб олимлар фикрининг паноҳгоҳи, доно кишилар бўстонининг чамани, оддий кишиларнинг томошагоҳидур. У кимсасиз кишиларга дил очувчи боғ, кўнгли шикасталарга раҳнамодир. У барча ерда барча билан ошно, дардли кишилар дилига даводир. Эй азиз, киши учун китобдан азизроқ ва ёқимлироқ суҳбатдош йўқдир. Китоб фасоҳат, балоғатда, латофатда тенги йўқ, мунофиқликдан холий ҳамроҳдир. Ёлғизликда ва ғамли айёмларда мунис улфатдир. Унда на нифоқ бору на гина. У шундай ҳамдамки, сўзларида ёлғон ва хато бўлмайди. Суҳбатидан эса кишига малоллик етмайди. У ўз дўстининг дилини оғритмайди. Юрагини сиқмайди. У шундай рафиқдирки, киши орқасидан ғийбат қилиб юрмайди. Унинг суҳбатидан сенга шундай файзли фойдалар етадики, бундай фойдани одамлардан топа олмайсан".

Китобнинг улкан фазилатларини зикр қилар эканман, минг афсуски, бу ҳаётда энг зарур, ноёб ва бебаҳо хазинага ҳозирги кунимиздаги эътибор анчайин суст эканини тан олмай иложимиз йўқ. Бозор муносабатлари, тақчиллик, моддий қийинчиликлар, қоғоз қимматлиги туфайли китоб нархининг кўтарилиб кетиши табиий ҳол. Лекин айрим бой-бадавлат ҳаёт кечираётган қўша-қўша машиналик, битта тўй ёки эҳсонга миллионлаб маблағ сарфлаётган, уйи ҳою ҳашамга тўла хонадонларда биттагина китоб жавони йўқлигини қандай тушуниш мумкин. Бундан ўн йилларча аввал мендан китоб сўраб олган бир дўстимникига китобимни сўраб бордим. Уйдаги жамики ашёга хонада жой топилган, китоблар эса қутига солиниб болохонага қўйилган, чанг босиб ётарди. Ич-ичимдан афсусланиб ортимга қайтдим.

Бир пайтлар Наманган шаҳри Машраб кўчасида икки қаватли китоб магазини бўларди. Ҳозир ўша бино қандайдир ташкилотга бериб юборилганини эшитиб қаттиқ хафа бўлдим. Кейинги йилларда шаҳардаги 3-4 китоб магазини бузиб ташланди, бирорта янги китоб дўкони қурилгани йўқ, Кўчаларда китобфурушлик қилишмоқда. Китоб савдоси билан шуғулланадиган муассаса тамом инқирозга учраган, қарзга ботиб ётибди.

Бир пайтлар китоб савдосини йўлга қўйиш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори ҳам эълон қилинган эди. Бу қарордан маҳаллий раҳбарлар тегишли хулоса чиқариб оладилар ва бу энг муҳим, долзарб масалани амалга оширишда бош-қош бўладилар, деган умиддамиз.

**Исматулла АБДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор**

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 133-09-93 (факс), 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, котибият - 136-56-26. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Р.ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-288, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: Адади 18 236

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6